2012 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (12.283)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Аёлнинг гўзаллиги ва нафосатини гулга, унинг иродасини метинга қиёслайдилар. Ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат, меҳр ва муҳаббат тимсоли бўлган аёлларимиз бор экан, хонадонларимиздан файзу барака аримайди.***

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Уй-рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси одатда аёл зиммасида бўлади. Шу билан бирга, фаол ва ташаббускорлик фазилатларини намоён этиб, раҳбар, тадбиркор, маҳалла жонкуяри, маслаҳатчи, оилада эса хонадон бекаси, меҳрибон она вазифасини уддалаб келаётган аёлларимиз сафи бугун тобора кенгаймоқда.

Шаҳримизнинг Сергели туманида яшовчи Гулбаҳор Пирматова ана шундай фаоллардан бири. Унинг уйдан, болалар тарбиясидан ажралмаган ҳолда замонавий ва адрас матолардан тиккан кўйлаклари хотин-қизларга манзур бўлиб, бозорда ўз харидорини топмоқда. Ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлашни мақсад қилган тадбиркор мана икки йилдирки, «Nbs bisnes trade» хусусий корхонаси ва унинг қошида ўқув маркази фаолиятини юритиб келмоқда. Айни вақтда тикувчилик цехида йигирмадан зиёд маҳалла қизлари турли бичимдаги миллий ва замонавий либослар тикиш билан шуғулланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бугун Гулбаҳор опа каби юртимиздаги минглаб тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул аёлларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очмоқда. Хотин-қизлар юртимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий ҳаётида тобора фаол иштирок этмоқда.

– Мустақиллик аёлларимиз ҳаётида, онгу тафаккурида, интилиш ва мақсадларида улкан ўзгаришлар ясади, – дейди тадбиркор. – Ўз бизнесини бошлаш истагидаги инсонларга мамлакатимизда барча шароит яратилган. Ўзимдан қиёс: Турмуш ўртоғим тадбиркорлик билан шуғулланади. Уларга берилган имкониятлар ва эришаётган ютуқларига ҳавас қилиб мен ҳам қизларни ишга таклиф қилиб, янги тикув машиналари харид қилдим. Аста-секин ўз маблағларимиз ҳисобидан ўнлаб тикув машинаси, бичиш ускуналари харид қилдик. Фаолиятимизнинг кенгайиши ҳисобидан бир ойда ўртача минг донагача турли бичим ва фасондаги хотин-қизлар либослари тайёрлаб бозорга етказиб бермоқдамиз. Хусусан, аёлларнинг 10 хилдаги қишки ва 15 хилдаги ёзги кийимларини тайёрламоқдамиз.

Қувонч билан айтаманки, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бизга янги имкониятлар эшигини очиб берди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, янги ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказиладиган режали солиқ текширишлари муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Шунингдек, статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириб, саксонта рухсат бериш тартиб-таомилини ва ўн бешта фаолият турини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилгани тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, ялпи мажлис иши «Микромолиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мажлисда депутатлар таъкидладиларки, қонун лойиҳаси микромолиялаш бозорини ва микрокредит ташкилотлари тизимини янада ривожлантиришга, халқаро принциплар ва андозаларга мувофиқ тартибга солиш ва назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга қаратилган.

Мажлис давомида янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида таъкидландики, кўриб чиқилаётган ҳужжат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини белгилаб беради, нафақат транспорт воситаларининг, балки автомобиль йўлларининг ҳам техник ҳолати ва жиҳозланишига қўйиладиган талабларни аниқлаштиради. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди.

Сўнгра депутатлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Депутатларнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шаклларини, қонунийликка риоя этишнинг ҳуқуқий кафолатларини алоҳида базавий қонунда мустаҳкамлаб қўйиш, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган мавжуд нормаларни тизимлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга кўмаклашиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш имконини беради. Қайд этиб ўтилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши суриштирув ва дастлабки тергов сифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга ўз вақтида тўсиқ қўйиш борасидаги ишларни янада самарали олиб бориш имкониятини яратади. Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди.

Кун тартибининг навбатдаги масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан иборат бўлди. Муҳокама чоғида мажлис иштирокчилари мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Депутатлар «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Ушбу қонун лойиҳаси хусусий мулкка асосланган хусусий банклар ва молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга, банк ва бошқа молия хизматлари бозорида рақобатни кенгайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилгандир. Қонунчилик палатаси ушбу қонунни ҳам қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда бозор муносабатларини янада такомиллаштиришни, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлашни назарда тутувчи бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мажлисда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг депутатлари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар партияларининг дастурларини ва сайловчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ АМЕРИКАЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

***Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан Монтерей халқаро тадқиқотлар институти (Калифорния штати, АҚШ) билан ўзаро ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш бўйича ташаббуси – минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили» мавзуига бағишланган конференция ташкил этилди.***

Тадбир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги ташаббуси тўғрисидаги батафсил маълумотлар унинг иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Анжуман чоғида, шунингдек, 2009 йил 20 мартда «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисида»ги шартноманинг кучга кириши ҳамда унинг минтақавий ва умумбашарий хавфсизликка таъсири билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисида»ги шартномага 1997 йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуидаги халқаро конференция чоғида замин қўйилган бўлиб, мазкур анжуманда сайёрамиздаги ядро қуроли абадий тақиқланадиган ҳудудлар сонини кўпайтиришга интилаётган минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди. Конференция якунлари бўйича Минтақавий эксперт гуруҳи тузилиб, унга тегишли шартномани тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилганидек, Ўзбекистон замонавий халқаро муносабатлар ривожланишини чуқур ва теран англашини намоён қилди, ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги ташаббус эса Марказий Осиёнинг оммавий қирғин қуроллари тўпланадиган, ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган минтақага айланишининг олдини олишга улкан ҳисса қўшди. Ана шундай муҳим масалалар мазкур Шартномада ўз ифодасини топгани анжуман иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** «Ўзэкспомарказ»да IV Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танловининг якунловчи босқичи ва Гала-концерти бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон давлат консерваториясида «Янги авлод — 2012» болалар ижодиёт фестивалининг Шайхонтоҳур туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент Молия институтида Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитасининг V ҳисобот сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган дўстлик байрами ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.**

**● Муборак газни қайта ишлаш заводида амалга оширилаётган лойиҳа асосида газдан пропан-бутан аралашмаси олиш мажмуаси барпо этилмоқда. Мазкур иншоотда йилига 12 миллиард кубометр газ қайта ишланиб, 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилади.**

**● Қарши шаҳрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбир очилишида Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимизда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда турли соҳаларни қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.**

**● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ўтказилган республика форуми якунланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Дунёга машҳур «Дракула» асарининг муаллифи – ирландиялик Брэм Стокернинг иш столи кимошди савдосига қўйилади. Кимошди савдоси жорий йилнинг 15-16 декабрь кунлари АҚШнинг «Profiles in History» савдо компанияси сайтида ўтказилади. Брэм Стокернинг иш столини британиялик дизайнер Марк Брейзер-Жонс қўлга киритган эди. Дизайнер томонидан таъмирланган ушбу стол саксон минг АҚШ долларига сотилиши кутилмоқда.**

**● Сўнгги ойларда Япониянинг «Toyota» корпорацияси молиявий аҳволи яхшилана бошлади. Жорий йил январь-июль ойларида унинг соф фойдаси 548,2 миллиард иенни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 81,5 миллиард иен эди. Компания жорий йилда 4,52 миллион дона автомобиль сотган.**

**● Швейцарияда давом этаётган иқтисодий инқироз мамлакатнинг «UBS» банки молиявий аҳволига путур етказмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мазкур банк қирқ икки миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. «UBS» иқтисодий қийинчиликлар туфайли жорий йилда ўн минг нафар ходимини ишдан бўшатиш ниятида.**

**● АҚШнинг Стенфорд университети олимлари ҳайдовчисиз автомобилларни бошқариш тизими устида иш олиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг мақсади электрон бошқарув тизимига эга автомобиллар оммавий равишда жорий этилганидан сўнг уларда юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишдан иборат. Мутахассисларнинг айтишича, йўлларда ҳайдовчисиз машиналар пайдо бўлганидан кейин ушбу янги технологиянинг аҳамияти янада ортади.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ АМЕРИКАЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти ҳузуридаги Ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ўрганиш марказининг директори Вильям Поттер** қайд этганидек, ядросиз ҳудудлар ядро қуролидан воз кечиш ва уни тарқатмасликни бутун дунёда илгари суришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. «Янги йирик Ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш тўғрисидаги шартномани имзолаган Марказий Осиё мамлакатлари ҳозирги вақтда ўз ресурсларини атроф-муҳит масалалари ва МАГАТЭнинг минтақадан барча турдаги ядро материаллари экспортчилари учун Қўшимча протоколига мос бўлган фойдали инновацион янгиликларга сарфлаш имкониятига эгадирлар», деди у.

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институтининг ходими Брэд Кеслер** Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолар экан, ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди:

— Биринчидан, дунёда атиги бир нечтагина бу каби ядросиз ҳудудлар мавжуддир, — деди у. — Иккинчидан эса, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд Шимолий яримшарда яратилган илк ядросиз ҳудуд бўлиб, у Россия ва Хитой сингари ядро қуролига эга бўлган давлатлар билан чегарадош. Учинчидан, мазкур шартнома хавфсизлик соҳасидаги Марказий Осиёнинг барча давлатларини қамраб олган илк кўп томонлама битим саналгани ҳолда у халқаро терроризм билан кураш ва ядро материаллари ҳамда технологияларининг террорчилар гуруҳларига бориб тушмаслигининг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшди.

**Ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ўрганиш маркази эксперти Тижей Боуз**нинг айтишича, дунёда ядро қуролини тарқатмаслик масалаларининг муҳокамаси шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёдаги оммавий қирғин қуролидан холи ҳудуд Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилиши баробарида минтақавий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшади. «2009 йили Шартноманинг кучга кириши ядро қуролини тарқатмаслик масалалари бўйича кўп томонлама музокаралар жараёнига қўшимча туртки берди, деди у. Буларнинг барчаси республика мустақил тараққиётнинг илк йилларидаёқ минтақадаги барқарорликнинг устунларидан бири бўлиб қолаётган ташаббусни илгари сурган Ўзбекистон Президентининг узоқни кўзланган ва изчил сиёсати маҳсулидир».

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти тадқиқотчиси М.Люлечи** Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд дунёнинг бошқа кўплаб минтақалари учун ўрнак бўлганини эътироф этди. «Ядро қуролисиз ҳудуднинг ташаббускори бўлган Ўзбекистон мақсадга эришиш учун музокаралар ва келишишларнинг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтишига тўғри келди. Аммо амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон, бошқа қўшни мамлакатлар сингари, хавфсизликнинг пойдеворларидан бирини яратиб, бугунги кунда минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш имкониятига эгадир», деди у.

**«Жаҳон» АА**
Монтерей (АҚШ)

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ

***«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда етакчи тиббиёт муассасалари вакиллари қатнашди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Кўп тармоқли, ижтимоий йўналтирилган «Ўзбекинвест» компанияси мамлакатимиз суғурта компаниялари рейтингида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Компания бош директори Ф.Саидаҳмедовнинг айтишича, 2012 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича компания ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришган. Ўтган вақт мобайнида суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,4 баробарга кўпайган ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 1,7 баробардан ошган. Бунда қабул қилинган мажбуриятлар умумий ҳажмида миллий экспортчилар ва инвесторларни суғурта қилиш 166,3 фоиз, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурта қилиш 155 фоизни ташкил этган.

Ҳудудлар, жумладан, қишлоқ жойларда суғурта хизматларидан фойдаланишни таъминлаш учун компания томонидан олтита янги суғурта бўлими ташкил қилинди, вилоятларда суғурта агентлари сони икки бараварга кўпайтирилди. Бугунги кунда «Ўзбекинвест» 14 ҳудудий филиал, 90 суғурта бўлими ва 950 нафардан ортиқ суғурта агентларига эга.

Компания «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишлаб чиққан тадбирлар режасига мувофиқ аҳоли учун қулай нархларда «Менинг уйим», «Менинг оилам», «Менинг автомобилим», «Менинг соғлиғим» ва «Менинг бизнесим» каби янги суғурта маҳсулотлари жорий этилмоқда. Улар «Ўзбекинвест» томонидан ташкил этилган Суғурта маркази ва ҳудудий филиаллар орқали сотилмоқда.

«Ўзбекинвест» ҳузуридаги Суғурта маркази директори Ш.Аминжонов «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида тузилма томонидан эришилган ютуқлар ҳақида гапирди. Хусусан, аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий бизнес субъектлари учун қулай нархларда янги суғурта маҳсулотлари таклиф этилмоқда. Бугун аҳолига янги суғурта маҳсулотлари бўйича кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 2,7 миллиард сўмни ташкил этади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**(ЎзА)**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатларнинг фикрига кўра, ушбу қонун лойиҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш имконини беради, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратади, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам ўз

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

нуқтаи назарларини билдириб, қайд этдиларки, қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг меҳнатда банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат муҳим жараённинг амалга оширилишига кўмаклашади, бу эса фракциянинг манфаатларига тўла мосдир.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси депутатларининг фикрига кўра, қонуннинг қабул қилиниши рухсат бериш тизимини бозор иқтисодиёти принципларига мувофиқлаштириш имкониятини берадиган қонунчилик базасини яратади, бу эса ўз навбатида бошқарув тизимини такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда бюрократик тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашади ва шуниси муҳимки, рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатларни беришда «бир дарча» принципи жорий этилишини назарда тутади.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ўз нуқтаи назарларини ифодалаб таъкидладиларки, ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув ҳаракатларининг тўла очиқ-ойдинлигини таъминлаш имкониятини беради. Жумладан, рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасида бошқарув органлари рухсатномалар бериш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, рухсатномалар бериш муддатларини аниқлайди, рухсат этиш хусусиятидаги берилган ҳужжатлар реестрини юритади ва уларни веб-сайтларида жойлаштиради. Улар тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра рухсат бериш тартиб-таомилларига доир масалалар юзасидан текинга тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари ҳам ўз нуқтаи назарларини билдириб, қонун лойиҳасида баён қилинган нормалар тадбиркорлик субъектларининг табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Қонунчилик палатаси ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати**

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари айни пайтда жойларда кенг муҳокама этилмоқда. Пойтахтимизда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари салоҳиятини ошириш масалалари» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам «учинчи сектор»ни ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган мазкур ҳужжатларнинг роли ҳамда аҳамиятига оид масалалар муҳокама этилди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади. Қабул қилинаётган қонунчилик актлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар «учинчи сектор»ни янада ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ҳамда самарадорлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши шериклик муносабатларини ривожлантириш ва давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур қонун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, жамиятимизнинг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик чегараларини аниқ белгилаб беради.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса жамоатчилик ва фуқаролик институтлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашини назорат қилишнинг тизимли ҳамда самарали ҳуқуқий механизмини яратишга кўмаклашади. Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг шакллари, субъектлари ва предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, ушбу соҳада амалдаги қонунчилик ижросини таъминламаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кўзда тутилган.

Давра суҳбати иштирокчилари «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Улар қабул қилинаётган ушбу қонун «учинчи сектор»нинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратишга ёрдам беради.

Тадбирда қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ва тавсиялар қабул қилинди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва мамлакатимиздаги БМТ Тараққиёт дастури кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун БМТнинг Ўзбекистон ҳамда хориждаги тендер харидлар тизимида иштирок этиш имкониятлари тақдимотини уюштирди.***

# МАҚСАД — ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

Тақдимот маросимига қурилиш ва қурилиш материаллари, мебель, фармацевтика, матбаа ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган 60 дан ортиқ ишлаб чиқариш компанияси вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 26 мартда қабул қилинган «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва мамлакатимиз экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзлар ҳамда преференциялар тизими яратилгани қайд этилган. Бу борада экспортчи корхоналар, аввалambор, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш, уларни ташқи бозорларга чиқариш масалаларида кўмаклашишга ихтисослашган тузилмалар ҳам ташкил қилинди. Тадбирда сўзга чиққан Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов шу ҳақда гапирди.

Шу боис мазкур тадбирнинг ташкил этилиши мамлакатимиз тадбиркорларини халқаро тендерларга янада кенг жалб қилишга бевосита боғлиқдир. Жумладан, тақдимот маросими хусусий сектор вакилларининг БМТ Тараққиёт дастури эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматлар етказиб бериш имкониятлари ҳақида хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Тадбир давомида БМТ Тараққиёт дастурининг шу йилнинг охиригача харидлар режаси ва 2013-2014 йилдаги истиқболли режалари тақдим этилди ҳамда муҳокама қилинди. Бундан ташқари, иштирокчилар БМТ харидлари сиёсати ва жараёнлари билан танишиб, тендерларда қатнашиш ҳамда аниқ таклифларни тайёрлаш бўйича амалий маслаҳатларни олишди.

**М.МАМЕТОВА**



# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳа, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг юртдошларимизнинг фаоллигини оширишга, салоҳияти, иқтидори ва имкониятларини намоён этиши учун шарт-шароит яратишга қаратаётган эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир. Тадбиркорнинг жорий йилдаги режалари янада улкан. Бу йил фаолиятини кенгайтириб, корхонасида «Уста-шогирд» мактабини йўлга қўйиш, ёшларни бу тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш ниятида.

Корхонадаги тикувчилар моҳирлиги боис тайёрланаётган маҳсулотлар фаслларга қараб, буюртмачиларнинг талабларига кўра тез-тез ўзгартиришлар киритилиб турилади. Замонавий бичиш ускунаси кўмагида, танланган фасон асосида бир йўла 150 донагача либос бичими тайёр бўлиши тикувчилар меҳнатини енгиллаштирмоқда.

— Буюртма асосида элита пардалардан тортиб тўй ва оқшом либослари, мактаб формалари, махсус иш либослари, футболкалар, уй кийимлари каби барча турдаги кийим-кечаклар тикиб берамиз, — дейди корхонанинг моҳир тикувчиларидан бири Дилфуза Пардаева.— Ўзим корхона иш бошлагандан буён, шу ерда ишлаб малакамни ошириб бораётирман. Шу кунларда аёлларнинг кузги либослари, қизларга мўлжалланган спорт формаларини ҳамжиҳатликда тикаётирмиз. Ҳадемай, хотин-қизларга мўлжалланган қиш фаслига мос устки кийимлар ишлаб чиқаришни бошлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда Гулбаҳор Пирматова каби хусусий тадбиркорларнинг фаолиятини изчил қўллаб-қувватланаётгани, қулай шарт-шароит яратилаётгани ва кенг имтиёзлар берилаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда.

**Зиёда ВОҲИДОВА**

# АРХИВ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ

***Кейинги йилларда мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш, ноёб материалларни рақамли форматга ўтказишнинг илғор усулларидан фойдаланилмоқда.***

Республика марказий давлат архивларида ҳам бу йўналишда қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди.

— Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда, — дейди «Ўзархив» республика агентлиги бош директори А. Абдуллаев. — Халқаро архивлар кенгашининг дунё бўйича 13 минтақавий бўлими мавжуд. Ўзбекистон ана шу минтақавий бўлимларидан бири ҳисобланади. Айниқса, илмий маълумот аппаратини барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича амалга оширилиб келинаётган тадбирлар кутилган натижаларни бермоқда.

Архивга келиб юрмасдан, уйдан ёки иш жойидан турли архив агентликлари веб-сайтида кўрсатилган электрон манзил бўйича мурожаат этиш мумкин. Ҳудудларда давлат архив идоралари компьютерлаштирилди. Бу эса архивлар ўртасида электрон ахборот оммалашувининг кенг йўлга қўйиш имконини бераётир.

**Акбар АЛИЕВ**

